

ҚЎШНИНИНГ ҲАҚҚИ.....



Доно халқимизда қўшничилик ҳақлари ҳақида ажойиб мақоллар, ҳадис шарифлар борлигини барчамиз яхши биламиз. Масалан, "Ҳовли олма, қўшни ол" каби мақол замирида ҳам қанча маъно яширин. Ҳовли олсангизда қўшнингиз яхши бўлмаса, ҳа деганда жанжал кўтараверса уйингиздан барака, кунглингиздан ҳаловат қочади.

Шу сабабли ҳам муқаддас динимизда қўшничилик ҳақларига доир ажру савоблар муфассал келтириб ўтилган.

Афсуски, ҳозирги тинч-фаровон даврга келиб қўшнилари орасида ҳам меҳр-оқибат, одамгарчилик туйғуларига путур етаётгандек...

Куйида ҳам икки қўшни ҳовли одамлари арзимас майда гап-сўзларни деб адоватлашиб, юз кўрмас бўлиб қолишди. Камига бири жароҳат олди, бири эса қонун олдида жавоб беришига тўғри келди.

Судланувчи Қаххор Бўтаев (исм-фамилиялар ўзгартирилган) ҳам уша куни аёллар гапига кириб жаҳлига эрк бермаганда, бироз босиқлик билан воқеага ойдинлик киритганда бунча машмашаю ташвишлар бўлмасди, кунгилсизларнинг олди олинадди.

Уша куни онаси қўшнининг қизини бироз қойгани учун қизчанинг акаси уларнинг дарвозасига икки марта тош отганлигини эшитиб қолган Қаххор жаҳлини жиловлай олмади. Тош отган қўшни йигит Баходирни таёх билан уриб кетди. Уям уйдан пичоқ кўтариб чиққач, воқеа жиддий тус олиб, ҳар икки томонни қариндошлари йиғилиб жанжал катталашиб кетди.

«Баходирни қўлидаги пичоқни оламан дегандим», деб кўрсатма берган Қаххор уни жаратлаб кўяди. Воқеа жойига етиб келган участка инспектори ва маҳалла раиси, бошқа қўшнилари уларни ажратиш, хушини йўқотган Баходирни касалхонага олиб кетишди.

«Сўнгги пушаймон, ўзингга душман», деганларидек, жабрланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатмаси ҳамда тиббий хулоса асосида Қаххор айбли деб топилиб, унга нисбатан қонуний чора кўрилди.

Аммо, қарс икки қўлдан чиқади, деб бежиз айтишмаган. Баходир ҳам қўшнини дарвозасига тош отмасдан, пичоқ кўтариб югурмасдан муомала билан тушунтирса бўлар эди-ку. Ҳар икки томондан содир этилган бу кунгилсизлик икки оилани бир-бирига адоватли бўлиб қолишига сабаб бўлди.

Шунга айтишса керак, “Ғазабини енгган одам энг кучлидир” деб. Жаҳлини жиловлай олмаганлар эса юқоридагидек ҳолатга тушишлари тайин...

Сурхондарё вилоят судининг

судья катта ёрдамчиси

А.Саъдуллоев